Ўзбекистон Республикасибюджет тизими
бюджетларнинг ғазна ижроси қоидалари
8-ИЛОВА

**2022 й « 14 » январдаги Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва "Узбектелеком" АК Қоракалпоғистон Республикаси филиали ўртасида 1 200 000,0 сўм умумий суммага тузилган 1248-сонли шартномага**

**ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ***

Боб 170
Шахсий ғазна ҳисобварақ 100021860354017042402170003

(сўмда)

| **2022 йил ойлар номи.** | **Харажатлар тури (бюджет таснифининг тегишли коди)** | | | **Жами** |
|---|---|---|---|---|
| | **7042402 42 92 100** | ...* | ...* | |
| Январь | 400 000,00 | | | 400 000,00 |
| Февраль | 400 000,00 | | | 400 000,00 |
| Март | 400 000,00 | | | 400 000,00 |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| **Жами йил бўйича** | **1 200 000,00** | | | **1 200 000,00** |

Жами 1 200 000,0 сум (Бир миллион икки юз минг )
*сумма сўз билан*

Юқорида кўрсатилган суммадан ________сўм ёки шартноманинг умумий суммасидан _____%*** 2022 йил _______________ ойида тўланиши лозим.

(*)-Бюджет ташкилоти, бюджет маблағ олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади:

(**)-бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилган:

(***)- Юқорида кўрсатилган суммадан ойига ____% жорий ойнинг ___ санасигача хар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағ олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун хужжатларида назарда тутилган хар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб шартномалари бўйича тўловни амалга ошириш холларида тўлдирилади)

**Буюртмачи рахбар** _____________ **Ш.Примов**
(имзо)

М.Ў.

**Буюртмачи бош булгалтери** _____________ **Б.Примбетов**
(имзо)

Ғазначилик бўлинмасининг
ходими қабул қилди _____________
(имзо)

Буюртмачи ходими
ходими қабул қилди _____________
(имзо)

20___ й. «____»_____________

20___ й. «____»_____________

1248 - СОН

# ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

*Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун*

**Нукус шаҳри.** "14" январ 2022 йил

**"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси Қорақалпақстан Республикасы филиалы** номидан **2021** йил **30.12 даги № _27-01-14/6014** -сон ишончнома асосида фаолият юритувчи "Ўзбектелеком" АК ҚР филиали директори К.Таженов (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва ҚР Сув хўжалиги вазирлиги номидан Устав (Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи вазир Ш.Примов (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича қуйидагилар ҳақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

**1. Шартнома предмети**

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептини) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

**2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

**3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби**

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (**Postpaid**) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча соликлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч) банк куни** мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови **100% ( бир юз) фоиз** миқдорида олдиндан тўланади. дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун** Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

**Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда)** 1200000,0 (бир миллион икки юз минг) сўм ни **ташкил этади.**

**Ушбу сумма** 1200000,0 (бир миллион икки юз минг) **сўм миқдоридаги Абонент тўлови** ______ (______) **миқдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.**

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч) банк куни** ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатишни, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Оферта қоидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фақат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (ўн) иш куни** мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

**4. Томонлар жавобгарлиги**

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

**5. Низоларни ҳал қилиш тартиби**

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

**6. Алоҳида шартлар**

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Респбликасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

**7. Якуний қоидалар**

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва **2022йил 31 декабрга** қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва **2022 йил 31 декабрга** қадар амал қилади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ўн) календарь кун** ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

**8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:**

| | |
|---|---|
| **ОПЕРАТОР:**<br>**“Ўзбектелеком” АК**<br>**Қорақолпоғистон Республикасы филиали**<br>Манзил: _г.Нукус ул.Каракалпакстан №7<br>Банк маълумотлари:<br>х/р: **20210000204074838428**<br>СТИР: **203366731**<br>МФО:_ **00401**_; АТБ “**Алокабанк**” ОКЭД: **61100**<br>Тел: ИНТ(61)224-6248 : тел (61) 222-1475 дебитор(61) 222-14 33<br>**факс (61) 222 68 13** | **АБОНЕНТ:**<br>____________________<br>Манзил: ____________________<br>Банк маълумотлари: ____________________<br>х/р: ____________________;<br>СТИР: ____________________;<br>МФО: __________, Банк номи: __________;<br>Тел: ____________________;<br>E-mail: ____________________; |
| **Оператор номидан:**<br>____________ **К.Е.Таженов.**<br>/имзо/<br>м.п. | **Абонент номидан:**<br>____________ Ш.Примов **Ф.И.Ш.**<br>/имзо/<br>м.п. |

Юрист М.Еримбетов

Приложение к Договору
на оказание услуг телекоммуникаций

**Подключить / Улаш:**

1. **Услуги сети передачи данных / Ma'lumotlarni uzatish tarmog'i xizmati**

| | |
|---|---|
| Технология / Texnologiyalari | ADSL☐ VDSL☐ FTTB☐ GPON☐ |
| Опорный номер телефона / Telefon tayanch raqami | |
| Используемое оборудование / Foydalanilayotgan uskuna | MODEM☐ STB ☐ Другое ________ Собственное оборудование / Shaxsiy uskuna ☐ |
| Услуги /Xizmatlar | Internet☐ IPTV ☐ VoIP ☐ VPN☐ |
| Тарифный план / Tarif rejasi | |

2. **Услуги мобильной связи / Mobil aloqa xizmatlari**

| | |
|---|---|
| Абонентский номер / Abonent raqami | |
| Тарифный план / Tarif rejasi | |
| Номер SIM карты / SIM karta raqami | |
| Используемое оборудование / Foydalanilayotgan uskuna | SIM карта/karta ☐ RUIM карта/karta ☐ |
| Доступ к МГ / Shaharlararo qo'ng'iroqlar ☐ | Ожидание/удержание / Kutish/ushlab turish ☐ |
| Доступ к МН / Xalqaro qo'ngiroqlar ☐ | Служба коротких сообщений(SMS) / Qisqa xabarlar xizmati ☐ |
| Переадресация / Qo'ng'iroqlarni boshqa raqamga yo'naltirish ☐ | Мобильный интернет / Mobil internet xizmati ☐ |
| Конференцсвязь вызова / Konferens-aloqa ☐ | Определитель номера / Raqamni aniqlash xizmati ☐ |

3. **Услуги телефонии / Telefoniya xizmatlari**

| | |
|---|---|
| Перечень абонентских номеров выделенных абоненту / Abonentga ajratilgan abonent raqamlari ro'yhati | ТН-25шт |
| Дополнительные виды обслуживания (ДВО) / Qo'shimcha xizmatlar ro'yhati | |
| Используемое оборудование / Foydalanilayotgan uskuna | Телефонный аппарат / Telefon apparati☐ Факс / Faks☐ Персональный компьютер / Shaxsiy komp'yuter☐ |
| Обслуживание до: / Xizmat ko'rsatish: | Оконечного устройства / Abonent qurilmasigacha ☐ Здания / Binogacha☐ Ведомственной АТС / АТС idorasigacha ☐ |
| Прямые провода / To'g'ri simli aloqa | Количество / Miqdori Номера / Raqamlar |
| Соединительные линии / Ulanadigan liniyalar | Количество / Miqdori Направление / Yo'nalishi |
| Количество параллельных устройств / Parallel uskunalar miqdori | |
| Протяжёность абонентской линии (км) / Abonent liniyasining uzunligi (km) | |

4. **Услуги Дата-центр / Ma'lumot-markazi xizmatlari**

| | |
|---|---|
| Услуги / Xizmatlar | Хостинг / Hosting ☐ Колокейшн / Kolokeyshn xizmati☐ Видеонаблюдение / Videokuzatuv ☐ Другое ________ |
| Тарифный план / Tarif rejasi | |

**Абонент / Abonent**

Ш.Примов
Ф.И.О

________________
(подпись)

*Дата/Sana «____» ____________ 201__ г.*

М.П